

# Жалқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: xalksuzi@uzpak.uz • 2003 йил 16 апрель, №81 (3193)

Чоршанба

Олий Мажлисда

Олий Мажлисда парламентнинг Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмитаси ҳамда Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг кўшма йиғилиши бўлди.

## Ҳар бир кун фанимат

Йиғилишда "Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Самарқанд вилоятида баҳарлиги муҳокама қилинди.

"Биносервис", Сиеб туманидаги "Истиқлол", "Зарафшон", "Регистон", Темирйўл туманидаги "Қадрият" ширкатларида кўриш мумкин.

Мажлисда Иккинчи қаҳирчи Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўн биринчи сессияси кун тартиби тўғрисида Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмитаси раиси И. Кочмарик ахбороти ва Давлат бюджетининг 2002 йилдаги ижроси тўғрисида молия вазирининг ўринбосари М. Абдурахмоновнинг маърузаси тингланди.

2002 йил натижалари бўйича ҳисобот йиғилишлари кечиктирилиб ўтказилгани сабабли 2003 йилнинг даромадлари ва харажатлар сметалари ҳақида тасдиқланмаган.

Вилоятдаги уй-жой мулкдорлари ширкатларининг асосий қисми 2000-2001 йилларда ташкил этилган. 2003 йилнинг 1 март ҳолатига кўра вилоятда 82 та уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолият қуратиб, уларнинг бошқарувида 1304 та қўп хонадонли уй-жойлар ва 4 миллион 824,9 миң квадрат метр уйлар атрофи ер участкалари доимий фойдаланишга берилган.

Комунал хизматлар қўрсатиш бозори суст ривожланмоқда. Айрим ҳолларда уй-жой фондини буткул ва жорий таъмирлаш ишларини уй-жой мулкдорлари ширкатлари ўз кучи билан бажармоқда.

Бир қатор уй-жой мулкдорлари ширкатларининг ташкил этилиши ва фаолиятида амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларининг бузилиши йўл қўйилган.

Комунал хизматлар қўрсатиш бозори суст ривожланмоқда. Айрим ҳолларда уй-жой фондини буткул ва жорий таъмирлаш ишларини уй-жой мулкдорлари ширкатлари ўз кучи билан бажармоқда.

Салим ДОНИЕРОВ, "Жалқ сўзи" мухбири.



Қўйчилик мамлакатимиздаги етакчи соҳалардан бири бўлиб, у давлатимиз хазинасига катта миқдорда валюта ҳам олиб келади.

Қўйчилик мамлакатимиздаги етакчи соҳалардан бири бўлиб, у давлатимиз хазинасига катта миқдорда валюта ҳам олиб келади.

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎЗА) олган сурат.

Бугуннинг гапи

## КАРОЛАТЛАНГАН СУВ ТАЪМИНОТИ БУНГА ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ЭРИШИЛАДИ?

Юртимиз харитасига назар ташлаган бўлсангиз, унда сув манбалари акс этган чизмалар жуда кўп.

Вилоятда оби ҳаёт манбаидан самарали фойдаланиш борасидаги тадбирлар фақат шулардангина иборат эмас.

Вилоятда аҳоли хонадонларида табиий газ, ичимлик суви ўлчамликлари ўрнатилган масалалари етарлича аҳамият берилмапти.

Иккинчи иншоот — "Резаксой" сув ombорининг ишлаш тартиби ҳам шундай.

Пойтахтимизда

## Таълим соҳасидаги ҳамкорлик

Тошкентда "Иқтисод ва бизнес кафедралари мудири малакасини ошириш" мазмунида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Семинарда Ўзбекистон ва Россия олий ўқув юртлирининг раҳбарлари, кафедра мудири, профессор ва ўқитувчилари иштирок этди.

Семинарда Ўзбекистон ва Россия олий ўқув юртлирининг раҳбарлари, кафедра мудири, профессор ва ўқитувчилари иштирок этди.

Х. СОДИҚОВА, УЗА мухбири.

Жойлардан хабарлар

### Намангандаги «Атлас» хиссадорлик жамияти «Ўзбек ипаги» уюшмаси тизимидан биринчилардан бўлиб, пиллани қайта ишлаш бўйича жаҳоннинг энг илгор технологиясидан фойдалана бошлади.

### «Атлас»нинг янги имкониятлари

Бу ердаги пиллақчилик корхонасида Жанубий Кореянинг «ЮМС» корпорацияси устуналари ўрнатилгандан сўнг халқаро бозор талабларига мос табиий ипақ тайёрлаш имконияти юзга келди.

«Атлас» маҳсулотларининг бир қисми анчадан буюн жаҳон бозорига чиқариб келиб келган.

Қудратилло НАЖМИДИНОВ, «Жалқ сўзи» мухбири.

### Ўза яғна қилинмоқда

Андижонда чигит экин ишлари охирамоқда. Уруғ барвақт қадалган майдонларда плёнка остидан потирлаб чиққан ниҳоллар қўзга ташланиб қолди.

Андижонда чигит экин ишлари охирамоқда. Уруғ барвақт қадалган майдонларда плёнка остидан потирлаб чиққан ниҳоллар қўзга ташланиб қолди.

О. ШОДНОМАЛИЕВ, «Жалқ сўзи» мухбири.

### Шоҳрисабз сайёҳларни чорлайди

Тўққиз йиллик танлафуздан сўнг Тошкент-Шаҳрисабз шаҳарлари ўртасида яна самолёт қатнай бошлади.

Н. РАВШАНОВ, «Жалқ сўзи» мухбири.

Ислоҳот стратегияси

Паррандачилик — етти хазинанинг бири, дейишади. Бу замонар синовидан ўтган ҳақиқат. Тиббиёт меъёрларига кўра, бир киши йилга камида 215 дана тухум, 7,5 килограмм парранда гўшти истеъмол қилиши зарур.

## ПАРРАНДАЧИЛИКДАГИ МУАММОЛАР ўз ечимини кутмоқда

Эътироф этиш лозимки, кейинги йилларда тармоқда бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Барча ҳўжаликларда мулк шакли ўзгартирилиб, бозор талабларига мос ҳиссадорлик жамиятлари вуजूда келди.

Вилоятда оби ҳаёт манбаидан самарали фойдаланиш борасидаги тадбирлар фақат шулардангина иборат эмас.


Самарқанд вилоятдаги «Оталик-Ломан-Парранда» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси нафақат ҳолдинг компания таркибда, балки тизимда энг намунали ишлаётган жамоалардан биридир.

Мақсудимиз маҳсулдор, насли зотлар минтақадарли олиб келиши эди, — дейди ҳиссадорлик жамияти бош директори Бозорбой Рустамов.

Шаҳрисабз шаҳрида «ЎзМАДПарранда-ҳолдинг» компаниясида иш ҳўжаликнинг бормоқда. Утган йили ҳар тухумдан 226,2 дана тухум етиштирилди.

Узбекистонда қадимдан парранданичилик билан шуғулланиб келинади. Бунинг учун барча шарт-шароит мавжуд. Аммо бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида қўшма ҳўжаликларда оқша сезилди.

(Давоми 2-бетда).



Х. СОДИҚОВА, УЗА мухбири.

Қудратилло НАЖМИДИНОВ, «Жалқ сўзи» мухбири.

Н. РАВШАНОВ, «Жалқ сўзи» мухбири.

М. МИРҚОСИМОВ, «Тошшаҳар йўловчигана» давлат уюшмаси бошқаруви раисининг ўринбосари.

## «Жалқ сўзи» назоратида Кондукторлик ҳам касб

Газетанинг 2003 йил 19 март сонидан чоп этилган «Кондукторлик касби, ёки?..» сарлавҳали мақола «Тошшаҳар йўловчигана» давлат уюшмасининг барча транспорт корхоналари раҳбарлари ўринбосарларининг навбатдаги йиғилишида муҳокама қилинди.

600 нафарга яқин чиптачи етишилди. Чиптачилар йўл қўётган ҳамчиликлар билан бирга баъзи йўловчиларнинг жомати транспортдан фойдаланиш тартиби қўндларини менсимадликларини, «Шаҳар йўловчи» транспортдан бенид фойдаланиш тартибга солиш тўғрисидаги ва «Шаҳар йўловчи» транспорт тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунига амал қилмаслик ҳоллари ҳам учраб турибди.



Миллий дастур нихоллари

Ўз фарзандларини илм-хунарли қилиб воёга етказиш миллатимизга хос хислат. Ота-боболаримиз фарзандларининг саводини чиқариш, хунарли қилиш учун энг яхши усталарга шогирдликка берганлар, бошқа шахар ва юртларга билим олиш учун юборганлар.

Бугунги кунда ёшларимизнинг илм олиш билан бирга хунар эгаси бўлиб етишишида касб-хунар коллежларининг аҳамияти катта бўляпти. Ана шундай ўқув масканларидан бири Ашуралӣ Зоҳирӣ номидаги Қўқон педагогика

колледжидир. У мустақиллигимизнинг 11 йиллиги арафасида қайта таъмирланиб, кенг ўқитувчилар ва ўқувчилар оммасига туҳфа этилди. Бугунги кун талаби даражасидаги замонавий ўқув даргоҳига айлантирилди. «PENTIUM—V» компьютер синфи, лингафон хонаси, кимё ва физика лабораторияси хоналари янги ўқув жиҳозлари билан таъминланди.

Малакали кадрлар — келажак пойдевори

Хозир ўқув юртининг коллеж тизимида 1070, педагогика билим юрти тизимида 863 нафар ёшлар тахсил олмақда. Ўқув юрти коллеж мақомини олгандан сўнг мутахассисликлар тури ҳам ўзгарди. Айни пайтда мактабгача таълим муассасалари тарбиячиси, мактабдан ва синфдан ташқари тарбиявий ишлар ташкилотчиси, муслиқ раҳбари, бошланғич синфларда таълим-тарбиявий ишлар ташкилотчиси, ЭХМ ва компьютер тармоқларини ўрнатитиш ва ишлатиш, компьютер графикаси мутахассисликлари мавжуд. Ушбу ўқув йилида мониторинг бўлими ташкил этилди.

доимий малака ошириш курслари фаолият кўрсатиб келмоқда. Ўқув юртида педагогик кенгашининг қарори билан 1996 йилдан буён «Йил ўқитувчиси» кўрик-танловини ўтказиб бориш анъанана айланган. 2002 ўқув йили якунига кўра, она тили ва адабиёт ўқитувчиси Обидахон Усмонова, педагогика фани ўқитувчиси Одинахон Жўравалар «Йилнинг энг яхши ўқитувчиси» номини олишга муваффақ бўлдилар. Уларнинг иш услублари, педагогик фаолиятлари вилоятдаги касб-хунар коллежлари ўқитувчилари орасида оммалаштириш учун тақдим этилди.

Билим масканида асосан балоғат ёшига етмаган ва балоғат ёшидаги қизлар тахсил олгани учун уларни мустақил ҳаёт қуришга тайёрлаш педагогик жамоанинг асосий вазифаларидан биридир. Бу ишлар коллежда дастур асосида амалга оширилади. «Бод маҳалла йил»да балоғат ёшидаги қизлар билан нафақат коллежда, балки маҳаллада «Сиз мустақил ҳаёт қуришга тайёрмисиз?» мавзусида сўровнома тарқатилиб, уларнинг фикрлари ўрганиб чиқилди ва оила қуришга тайёргарлик юзасидан талбирлар олиб борилиши белгиланди.

«Бод маҳалла йил»да балоғат ёшидаги қизлар билан нафақат коллежда, балки маҳаллада «Сиз мустақил ҳаёт қуришга тайёрмисиз?» мавзусида сўровнома тарқатилиб, уларнинг фикрлари ўрганиб чиқилди ва оила қуришга тайёргарлик юзасидан талбирлар олиб борилиши белгиланди. «Юртбошимизнинг «Ўзбекистонда Болалар спортини ривожлантириш жамгармаси


Юртбошимизнинг «Ўзбекистонда Болалар спортини ривожлантириш жамгармаси

фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармоннинг ижроси бўйича ҳам қатор ишларни амалга ошираётимиз. Коллежда иккита спорт зали мавжуд бўлиб, улар спорт анжумлари билан таъминланган. Ўқувчиларнинг 400 дан зиёди, маҳалла болалари турли спорт секцияларига бириктирилган.

Келгуси йилдан коллежмиз ўзининг биринчи қалдирғочларини учирма қилади. Тўғри, халқ таълими бўлимларида улар учун маълум даражада иш ўринлари мавжуд. Ушбу йилда ҳар бир маҳалла қошида пе-



Янгиликлар, воқеалар, далиллар



Патрул хизматда

Ироқ пойтахтида америкалик ва ироқликлардан иборат патрул хизматга чиқди. Кафандуздчиларни ушлаш ва қуролсизлантириш уларнинг асосий вазифаси, деб хабар беради «ИТАР-ТАСС» агентлиги. Шаҳарда тартибни сақлаш борасида умумий ҳисобда 200 нафардан зиёд ироқлик полициячи иштирок этмоқда. Лекин уларга қурол олиб юриш таъқиқланган.

Муваққат ҳукуматни ким бошқаради?

Ироқ жанубидаги Насирия шаҳри яқинидаги авиабазада АҚШ ҳарбийлари томонидан ташкил қилинган конференция иш бошлади. Унда Ироқда муваққат ҳукумат тузиш масаласи муҳокама қилинмоқда.

«Интерфакс» агентлигининг америкалик журналистлар маълумотига таяниб хабар беришча, анжуманга АҚШнинг истефодаги генерали Жей Гарнер раислик қилмоқда. Тахминларга кўра, Гарнер Ироқ муваққат ҳукумати маъмуриятига раҳбарлик қилади.


Ўқув машғулотлари бошланди

Ироқ шимолидаги мактабларда душанбадан бошлаб ўқув машғулотлари бошланди, деб хабар беради «Рейтер» мухбири.

ЮНИСЕФ ташкилоти тарқатган маълумотга қараганда, минтақада тўрт минг нафардан зиёд бошланғич мактаб ва юзлаб ўрта мактаб ўқувчилари истиқомат қилишди. «Оилаларнинг ўз фарзандларини мак-

табга қайтаришлари ҳаётнинг изига тўшатишни белгисидир» — деди ЮНИСЕФ вакили Майкл Бочиркив.

Асирлар озод қилинди



Бағдоддаги ерости қамоқхоналаридан бирида 18 нафар кувайтлик топилди. Бу ҳақда Бирлашган Араб Амирлигининг «Abu Dhabi TV» телеканали ироқлик зобитининг маълумотига таянган ҳолда хабар қилган.

Телеканалда билдирилишича, Бағдоддаги ушбу қамоқхонада Форс кўрғазидида 1990-1991 йиллардаги уруш пайтида бедарак йўқолган 605 нафар кувайтликнинг 18 нафари бор экан. Қамоқхонада кувайтликлардан ташқари бошқа асирлар ҳам сақланган.

Advertisement for 'EFFEKTIV OIL' featuring text about oil quality, company information, and contact details for 'MA'URIAT'.

Advertisement for American Bar Association Central European and Eurasian Law Initiative seeking a Senior Legal Specialist.

Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори Фарғоналик қўшиқ мухлисларининг баҳор байрамларига яна бир байрам қўшилиб кетди. «Ўзбекистон» эстрада бирлашмаси хонандаси Севинч Мўминова Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди.

СЕВИНЧ УЛАШАЁТГАН СЕВИНЧ

— Нечоғди бахтиёр эканлигини сизларга айтишга ожизлик қиламанми, — деди-ю, Севинчнинг шахдо кўзларидан ёш куйилди. — Зулфия мукофотини кўлга киритишда беш йўналиш бўйича танланган қизлар билан беллашми осон келмади. Уларнинг ҳар бири юксак мукофотга эришти иш қилиб ултуришди. Мен ҳам улардан ортда қолмаслик учун бутун имконим, истеълодимни нишга солдим. Севинч Мўминова истиқлол, Ватан, муҳаббат, ва бахтли замон ҳақидаги замонавий, дилтортар қўшиқлари билан кўплаб санъат ихлосмандлари эътиборини қозонмоқда. У 2000 йилда «Янги тарона», 2001

йилда эса «Водий овози» кўрик-танловларининг совриндори бўлди. Жиззахда ўтказилган «Баркамол авлод» республика спартакиадаси. «Умид ниҳоллари» спорт ўйинларининг очилиш каби катта сахналарда ўзининг янги қўшиқлари билан қатнашди. «Ўзбекфильм» студиясида яратилган «Дилқиро» номли бадий фильмнинг бош қаҳрамони — Санам образини эса маромига етказиб ижро этди. Севинч ўз репертуарини рангбаранг қўшиқлари билан янада бойитиб, Ўзбек миллий эстрадасида муносиб ўрин топишга ишончимиз комил. Матлуба САЛИМОВА

Advertisement for 'ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ' regarding architectural and construction services.

Advertisement for 'АТБ «АВИАБАНК»' regarding bank services and interest rates.

Advertisement for American Bar Association Central European and Eurasian Law Initiative seeking an Administrative Assistant.

Хабарлар оқимидан Қувончли яқун

Нуробод туманидаги «Саҳобаота» ширкат хўжалиги чорваларни қўзилатиш масъумини муваффақиятли яқунлашди. Мавжуд 18246 бош совлиқнинг ҳар юз бошидан 122 тадан кўзи олдинди. Уларнинг 85 фозини ўстиришга қолдирилди.

— Уттан йилди қўйчилардан 80 миллион сўм соф фойда олган эдик, — деди ширкат хўжалиги раиси Раимзоқ Усанов. — Унинг 11 миллион сўми ширкатчиларга дивиденд қилиб берилди. 2 та трактор, 8 та ўт ўриш агрегати, 6 та тележка сотиб олдик. Бу йилги даромадимиз яна ҳам кўпроқ бўлади. Саҳобаоталик чорвалорлар натижаси Самарқанд вилоятида энг юқори, деб баҳоланди. Ўз мухбиримиз.

Хаваскорлар фестивали

Ўзбекистон ёш кино-фото хаваскорларининг «Сехрли ёғду» деб номланган фестивал ташлови ўтказилди. Фестивалнинг кино йўналиши бўйича маросими «Бунёдкор» ёшлар телеклубида бўлиб ўтди. Унда ўқувчилар томонидан суратта олинган қисқа метражли фильмлар намойиш этилди ва ҳакамлар томонидан баҳоланди. Фестивалнинг фото йўналиши бўйича маросими эса Республика Биозжосан ўқув-услубий марказида бўлди. Унда ўқувчилар яратган кўргазма намойиш қилинди. Фестивалда жами 140 нафардан зиёд ўқувчи иштирок этди.

Фестивалда «гран-при» совринига қашқарлик Элмур Пулатов ва Бухоро вилоятидан Аваз Шаропов лойик, деб топилди. Фолбиларга Халқ таълими вазирилик, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон «Кино хаваскорлари» жамияти ҳамда Республика «Болалар жамгармаси» томонидан эъза-лик совғалари топширилди. Гулмира МИРЗАЕВА.

Advertisement for 'АТБ «АВИАБАНК»' regarding bank services, interest rates, and contact information.

Advertisement for American Bar Association Central European and Eurasian Law Initiative seeking an oral and written translator.

«Шарқ тароналари» туртинчи халқаро мусиқа фестивали олдидан




Кўҳна Самарқандда Наврўз бу йил ҳам ҳар галгидек шукуҳли ўтди. Эрталабданок бутун шаҳар бўйлаб байрам сайли бошланди. Сўнг шаҳар ахли, меҳмонлар асосий тантаналар бўлиб ўтадиган «Мароканд» концерт-мажмуасига оқиб кела бошлади. Табриклар, куй-кўшиқлар дилбар рақслар ажиб айём файзига файз қўшди.

Дунё нигоҳи яна Самарқандда

Ушбу суҳбат ҳаёлимни 2001 йил август ойи охирида Самарқандда ўтказилган мусиқа анжуманига олиб кетди. Қадимий Регистондан бошланган тароналар маърузи концерт мажмуасига кўчганди. Самарқандликлар, шаҳар меҳмонлари дунёнинг не-не санъат усталарининг ижрочилиқ маҳоратидан баҳраманд бўлишгани, ўшанда.

ларини кўзларига тўтиё айлаётганлиги, ҳунармандлари маҳоратига қойил қолганларига гувоҳ бўлганман. Уларимни яна икки санъаткор суҳбати бўлади. «Шарқ тароналари»нинг навбатдаги анжумани қатнашчилари бу йил ҳам мана шу концерт мажмуасида санъатларини намойиш этишди. Қанийди, улар билан биргаликда биз ҳам куйласак.

Ҳозирги кунда тарихий майдон ва унинг атрофини ободлаштириш, гулзорлар барпо этиш қизгин давом этаётти. Меҳмонхоналар қайта ташмирланаётти. Вилоят ҳокимлиги томонидан Самарқандни энг гўзал, энг обод ва ораста шаҳарга айлантириш мақсадида «Гулзорлар» танловини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилингани ҳам беҳад эзу иш бўлди.



Мамлакатингиз Президент Исро Каримов жаноби олиблари ташаббуси билан ташкил этилган бу халқаро мусиқа фестивалининг дастлабки кунларида иштирок этишим ҳаётимда ўчмас из қолдириди. — деган эди австриялик кўшиқчи Гулайхоним. — Шундан буён ҳар икки йилнинг ўтишини, яна Самарқанддек табарук заминда бўлишни интиқиб кутаман. Голлибликка давом йўқ, Аммо Шарқнинг бу кўҳна шаҳри сехрлари, жозибалари, одамларнинг самимиёлиги, меҳмондўстлиги тушларимга кириб чиқади. Ва яна бу шаҳарда қанчалар дўстлар орттирдим. Ҳар гал Самарқандда бутун дунёни кўрдим, десам муболага бўлмас. Чунки фестивал кунларида Самарқанд дунё нигоҳига тушади. Кўшиқ, мусиқа орқали жаҳон маданияти шу ерда намойиш бўлади.

— Бу ўзимизга, санъатимизни қай даражада намойиш эта олишимизга боғлиқ. Лекин менинг бир нарсадан кўнглим тўқ. У ҳам бўлса концерт-мажмуа икки барибар кенгайтирилган. Саҳна-нинг нафислиги, унинг тўрт тарафига зилот сувларнинг тўқилиши, ўриндиқларнинг замонавийлигига қараб кўнгли янаша кетади.

Танлов айна «Шарқ тароналари» туртинчи халқаро мусиқа фестивали давом этаётган кунларда нишонланади. Демак, меҳмонлар бу йил гулу гулзорларга бурканган, мустақиллик шарофати ила гўзалликка чулганган Самарқанддан олам-олам баҳра олишади.

Дарҳақиқат, шаҳарнинг қоқ марказидаги сўлим боғда жойлашган концерт-мажмуа халқаро кўшиқ фестивали иштирокчиларини қабул қилишга шай ҳолга келтириб қўйилган. У жаҳон андозларига тўлиқ жавоб берадиган даражада. Мажмуада бир йўла 5 минг томошабиннинг концерт томоша қилиш имконияти яратилган. Халқаро анжуманининг очилиш маросими эса ҳар галгидек Шердор, Улугбек, Тиллакор мадрасаларидан иборат Регистон ансамблида ўтиши режалаштирилган.

Бу хабарни эшитган мамлакатнинг ҳунарманду олими қўлдан келганча уни-бунни қилиб подшога кўрсатибди, аммо ҳеч қанақаси унга ёқмабди. Шунда доно бир чўпон подшо ҳузурига келиб, шатранж ўйинини ихтиро қилганини айтиб, унинг мазмунини тушунтирибди.

Айни пайтда нафақат Регистон майдони ёки «Мароканд» концерт мажмуасида, балки шаҳарнинг барча истироҳат боғларида, театрларида, маҳалларида, қолаверса, қишлоқларида ҳам халқаро мусиқа фестивалига тайёрларлик ишлари давом этмоқда. Фестивалга тайёрларлик кўриши ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмитанинг Самарқандда ўтказилаётган йиғилишларида нуфузли анжуманга ҳозирлик масалалари қандай бораётгани, бу борада бажарилаётган ишлар муҳокама қилинапти. Хуллас, Шарқ дарвозаси — Самарқанд дунёнинг турли мамлакатларидан ташриф буюрувчи фестивал қатнашчилари ва меҳмонларини интиқиб кутмоқда.

Абдуракул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Шахмат каттагидаги Бугдой

Олимларнинг ҳисобига кўра шахмат тاختасидаги дастлабки ўн юришдан сўнг, ўйиннинг шунчалик кўп йўллари бўлиши мумкин эканки, уларнинг барчасини кўриб чиқиш учун ер юзидagi одамлар 217 миллиард йил давомида шахмат доналарини суришлари лозим бўларкан. Бу лаҳзада минглаб операцияни бажарадиган ҳозирги замон электрон-ҳисоблаш машиналари учун ҳам бир неча йилга чўзилган ишдир. Кўриниб турибдики, шахмат катта академия фандидир. Унинг 64 та каттагида математика, фан, санъатнинг сирли мўъжизалари мужассам. Шунинг учун ҳам шахматни маънавий тафаккурнинг ажойиб мактаби дейдилар.

Халқ афсоналарида шахматнинг дастлаб Ҳинд диёрида кашф этилганлиги таъкидланган. Чунки бир афсонада бу ҳақда шундай дейилади: Қадим замонада Ҳиндистонда бир золим подшо ўтган экан. У жуда ҳам бахажал, тақаббур, ўзини беҳад донишманд, деб ҳисоблар экан. Бировларнинг маслаҳатисиз ҳам ҳукмронлик қилаверман, деб ўзига-ўзи баҳо бериб юраркан. У бир кун ким менга зериктирмайдиган бир ўйин кашф этсаю, у менга ёқиб қолса, албатта, ихтироғига истаган нарсасини бажо келтирарман, деб чор-атрофга жар солибди.

Бу кизик... — Олампаҳо, ҳисобдонлар бегутов ҳисоб юритмоқдалар, эрталабгача тугатсалар ажаб эмас, — дебди сарой вазири. Эрталаб подшо ҳузурига бош ҳисобдон келибди ва ҳисоб натижаларини айта бошлабди. Аммо... — Аммонин нимаси, хазинам камайиб қолмайди, тезроқ бериб жўнат, — дебди подшо. — Подшохи олам, ўша сиз айтган «назари паст» сўраган бугдой биргина сизнинг омборингизда эмас, балки бутун ер юзида ҳам топилмайди. Ҳисоб шунини кўрсатган эканки, шахмат кашфётчиси сўраган бугдой доналарининг сони — 18.446.744.073.709.551.616 ни ташкил қилар экан. Агар бу сондан иборат бугдой доналарининг қанчаллигини яхшироқ тасаввур этмоқчи бўлсак, бунинг учун эни 10 метр, баландлиги 4 метр ва узунлиги 300 миллион километрдан иборат омбор кераклигини, яъни бу омборнинг узунлиги ер билан қўшиб ўртасидаги масофадан икки марта зиёроқ бўлишини ёки бунинг учун бутун ер юзига саккиз марта бугдой экиб, ҳосил йиғинтириш лозимлигини тушунамиз. Шунга ақли етган одамнинг кашфётчи ўзининг мураккаблиги, гўзаллигидан ҳамма ҳайратда қолмаслиги мумкинми ахир!

Бу гап афсона бўлса-да, шахмат ўйинини бир киши яратмаган. Негаки, у бутун инсоният зақонининг мевасидир. Анвар ИНОҚОВ, шахмат бўйича спорт усталлигига номзод, журналист.

«Сен ёлғуз эмассан» Ижтимоий ҳаётимизда меҳр-саховатли, инсонпарвар, олижаноб одамлар кўпайиб бормоқда. Шундай инсонлар қаторига Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шухратжон Қаюмов ва ёш хонанда Дирёбек Маҳмамовларни ҳам қўшиш мумкин. Улар М.Хोजев раҳбарлигида «Сен ёлғуз эмассан» болалар жағмарасини ташкил қилдилар. Жағмаранинг айнаси, пойтахтимиздаги 66-маъсус ногиронлар мактабига кўрсатаётган саховати таҳсинга лойиқ. Жумладан, ўқувчиларга байрам ва тадбирларда моддий ва маънавий ёрдам берилмоқда. 350 та ўқувчига ҳар пайшанба кунлари ош тортилади. 200 та ўқувчи эса йўл чипталари билан ташминланмоқда.

с. исомидинов.

Advertisement for 'TEZINTOM' featuring a woman's portrait and text about construction materials and services. Includes contact information for 'TEZINTOM' and 'МЭЕН'.

Advertisement for 'ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ' (Tashkent Region Branch) for architectural and construction services. Lists various services and contact details.

Ўзбекистон Республикаси вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳридаги касб-хунар коллежлари, академик лицей, халқ таълими бошқармалари, давлат ташкилотлари, корпорациялар, банklar, қўшма ва хусусий корхоналар раҳбарлари диққатига!

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ РЕКТОРАТИ

2002/2003 ўқув йилида битирувчи таълим йўналишдаги магистрларни йўлланмалар асосида ишга тақсим қилишга киришди. Институт магистрлари бой назарий билимлардан ташқари, замонавий инновацион ахборот технологиялари билан яқиндан таниш бўлиб, ҳар жиҳатдан рақобатбардош ва замон талабларига жавоб берувчи юқори даражадаги амалий тажрибага ва магистр даражасига эга бўлган етук мутахассислардир. Бугунги кун талабларига жавоб бера оладиган магистрларга эҳтиёжи мавжуд бўлган корхона раҳбарлари талабнома ва сўров хати билан институтга мурожаат этишлари мумкин. Талабномангизни 2003 йил 10 май кунига қадар тақдим этишингизни сўраймиз.

Сизнинг эътиборингизга мутахассислар буйича қуйидаги маълумотларни илова қиламиз. Маълумотлар учун телефонлар: 34-49-52, 34-23-29. Манъулимиз: Тошкент шаҳри, Х.Асомов кўчаси, 7-й, Тошкент Молия институтининг маркетинг хизмати.

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИНИ 2002/2003 ўқув йилида битирувчи магистрлар тўғрисида МАЪЛУМОТ

Table showing the distribution of graduates by region for the 2002/2003 academic year. Columns include region names and the number of graduates.

Advertisement for 'Халқ сўзи' newspaper, including contact information and subscription details.

Advertisement for 'Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ' and other editorial staff, including contact information.

Advertisement for 'Манъилимиз: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй' and other services, including contact information.